

| | |
|------------------------|--|
| Ташилот номи: | Адлия вазирлиги юридик техникумлари |
| Таркибий бўлинма номи: | Ўқув-методик бўлим |
| Танлов босқичи: | Суҳбат |
| Савол йўналиши: | Амалиётда кўп учрайдиган муаммоли ҳолатлар (10 та казус) |

1. Ўқувчи А жиноят ҳуқуқи фанидан ёзган оралик назорати ишига “0” балл қўйилганлиги учун норози бўлиб, Ўқув-методик бўлими бошлиғига мурожаат қилди. Мурожаатни ўрганиш натижасида талаба А ва Б.нинг оралик назорат иши бир хил эканлиги учун иккаласига ҳам “0” балл қўйилганлиги маълум бўлди. А. нинг билдиришича у ўзининг ноутбукини курсдоши Б. га фойдаланиш учун бериб турган. Бундан Б. фойдаланиб А.нинг оралик назорат ишини ўзига юклаб олган ҳамда электрон таълим платформасига ўзининг иши сифатида юклаган. Ишни текширган ўқитувчи иккита бир хил иш бўлганлиги учун иккаласига ҳам “0” балл қўйган.

Вазиятга амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосланиб баҳо беринг.

2. Ўқувчи Б. ўқув методик бўлимга мурожаат қилиб, деканат томонидан Давлат ва ҳуқуқ назарияси бўйича якуний назорат топширишга рухсат берилмаганлигини билдирди ва ушбу фандан якуний назорат топширишга рухсат беришни сўради. Ҳолат аниқланганида Б. семестр бўйича жами аудитория соати ҳажми 50 соат бўлган Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанидан 24 соат сабабсиз дарс қолдирганлиги аниқланди. Деканат томонидан талаба Б.нинг якуний назорат топширишга рухсат берилмаслиги тўғрими?

Вазиятга амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосланиб баҳо беринг.

3. Ўқувчи Б. ўртоғининг тўйи бўлаётганлиги сабабли 10 кун дарсларга қатнаша олмаганлиги учун жами 40 соат дарс қолдирганлиги, шунинг учун деканат томонидан семестр бўйича ўқитиладиган 5 та фаннинг барчасидан якуний назоратга киритилмаганлиги сабабли ўқув методик бўлимга шикоят қилди. Б. ўз шикоятида жами 40 соат дарс қолдирган бўлсада, аммо 5 та фаннинг бирортасидан якуний назоратга киритмаслик учун асос бўладиган даражада дарс қолдирмаганлигини кўрсатиб, деканат ҳаракатидан норозилигини билдирди. Кўрсатиб ўтилган ҳолатда эса фанлар кесимида олганда талаба бирор бир фандан 25% ва ундан ортиқ соатда дарс қолдирмаганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолатда деканат ҳаракати тўғрими?

Вазиятга амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосланиб баҳо беринг.

4. Ўқувчи С. Жиноят кодексининг 168-моддаси (фирибгарлик) бўйича жиноий жавобгарликка тортилиб, суд ҳукми билан 3 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шу муносабат билан талабалар сафидан четлаштирилди. Жазо муддатини ўтаб келган С. ўқишини қайта тиклаш учун юридик техникумига ариза билан мурожаат қилди. Талабалар ўқишини қайта тиклаш бўйича аризаларни кўриб чиқиш учун ташкил қилинган комиссия мазкур аризани ўрганиб чиқиб, жиноят содир қилган шахслар ўқишга қайта

тикланмаслиги ҳақида хулоса қилди ва ўқишни қайта тиклашга рад жавобини берди.

Вазиятга амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосланиб баҳо беринг.

5. Юридик техникум ўқувчиси Д.Алиев ўқув йили якунида якуний давлат аттестациясини топширди. Якуний натижалар ёшон қилингандан сўнг Д.Алиев ўзига қўйилган балдан норози эканлигини билдирди ҳамда аттестация комиссиясига шикоят билан мурожаат қилди. Аттестация комиссияси ўқувчи шикоят аризаси билан апелляция комиссиясига мурожаат қилишини билдирди.

Д.Алиев айрим сабабларга кўра шикоят аризасини аттестация якунлангандан 4 кун ўтгач топширди. Якуний давлат аттестация комиссияси томонидан апелляция комиссияси оз ишини якунлаганлигини таъкидлаб шикоят аризасини қабул қилмади.

Мазкур вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

6. Навоий вилояти юридик техникуми ўқувчиси А.Аҳадов техникум маъмуриятига техникумдаги ўқишини тиклаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Техникум маъмурияти ўқувчи А.Аҳадовнинг аризасига ўқиши билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни илова қилган ҳолда ТДЮУга хулоса олиш учун тақдим етди.

ТДЮУ томонидан Навоий вилояти юридик техникумининг хатига жавобан ўқувчиларни ўқишга тиклаш учун олий таълим муассасасининг хулосаси керак эмаслигини бевосита тегишли профессионал таълим муассасаси томонидан ариза кўриб чиқилиб ҳал етилиши мумкинлигини тушунтирилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

7. Хоразм вилояти юридик техникуми ўқувчиси А.Ботиров 2019 2020 ўқув йилида 1-семестрдан 1 та фандан ва ўқув йили якуни натижалари бўйича жами 3 та фандан академик қарздор бўлиб қолди.

Семестр ва ўқув йили якуни натижалари бўйича академик қарздорлиги бор таълим олувчилар рўйхатида ўқишдан четлаштирилди.

Бундан норози бўлган ўқувчи А.Ботиров Хоразм вилояти юридик техникуми директорининг буйруғини ноқонуний деб ҳисоблаб юқори турувчи органга мурожаат қилди.

Вазиятга амалдаги қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ҳуқуқий баҳо беринг.

8. Фуқаро Д.Ғаниева юридик техникумга табақалаштирилган контракт асосида ўқишга қабул қилинди. 1-курсда контракт суммасини табақалаштирилган контракт асосида ўқишга қабул қилинганлигини, контракт суммасини тўлаганлигини ва ушбу тўлов асосида 2-курсни ҳам битиришини айтиб 2-курс учун контракт тўлашни рад етди. Юридик техникум директори табақалаштирилган контракт миқдори ўқишнинг биринчи ўқув йилида

қўлланилишини, 2-курс учун контракт суммаси алоҳида тўлланишини тушунтирди.

Юридик техникум директорининг ҳаракатлари қонунийми?

9. Юридик техникум ўқувчиси А.Алимов кредитлар миқдори (ГПА) ўтиш балини тўплай олмаганлиги сабабли юридик техникум директорининг буйруғига асосан талабалар сафидан четлаштирилган.

Юридик техникумда академик қарздорлиги бор таълим олувчилар ўқишдан четлаштириладими? Ҳуқуқий жиҳатдан асослантинг.

10. Фуқаро Н.Комилов Бухоро вилояти юридик техникумига контракт асосида ўқишга кириб 1 курсни тамомлаган. Оилавий шароити ёмонлиги сабабли 2021 йил 12 сентябр куни 2-курсда ўз хошишига кўра талаббалар сафидан чиқаришини сўраб ариза билан техникум директорига мурожаат қилган.

Н.Комиловнинг аризаси асосида техникум директори Н.Комиловни ўқувчилар сафидан четлаштириш тўғрисида буйруқ чиқарган

Н.Комилов техникум директорига 2021 йил 5 октябр куни ўқишга тиклаш ва сиртқи шаклига кўчириш юзасидан ариза билан мурожаат қилган. Техникум директори ўқишга тиклаш ва бир шаклидан бошқасига ўтказиш Адлия вазирлигининг рухсати асосида амалга оширилишини важ қилиб Н.Комиловнинг мурожаатини рад етган. Техникум директорининг мурожаатни рад етиши асослими?